

Сафнинг тўғрилиги намознинг чиройидандир!



16:30 / 24.06.2021 1295

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга юзланиб: «Сафларингизни тўғриланглар, етишиб-етишиб туринглар. Мен сизларни ортимдан ҳам кўриб тураман», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

2. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафларингизни текисланглар, чунки намознинг тўқислиги сафни текислашдандир», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафларингизни тўғриланглар», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Намозда сафни тўғри қилинглр, чунки сафнинг тўғрилиги намознинг чиройидандир».

Имом Муслим ривояти.

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда (қўллари билан) елкаларимизни тўғрилаб, «Текисланинглари. Нотекисланинглари, қалбларингиз қарама-қарши бўлиб қолади. Менга эс-ҳушли ва ақллиларингиз, сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилар яқин турсин», дер эдилар.

Мана бугун сизлар эса қаттиқ ихтилофдасиз».

Имом Муслим ривояти.

Изоҳ: Абу Масъуд розияллоҳу анҳу бу гапда ўша пайтда авжига чиққан ихтилофларни назарда тутган бўлса-да, унинг маъноси умумийдир, яъни «Намоздаги сафларингиз дуруст бўлмай, паст-баланд бўлиб кетганидан қалбларингиз қарама-қарши бўлиб, ихтилофга шўнғиб кетдингиз», демоқда.

6. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Сафларингизни тўғриланглари. Сафни тўғрилаш намознинг мукамаллигидандир».

Имом Муслим ривояти.

7. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафларни тўлдиририлари», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Текисланинглари, текисланинглари, текисланинглари», дер эдилар.

Имом Насайи ривояти.

9. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сафларингизни жипслаштирилари, уларнинг орасини яқинлаштирилари, бўйинларни баробарлаштирилари», дедилар».

Абу Довуд ривояти.

10. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сафларингизни тўғри қилинглр, Аллоҳга қасам, сафларингизни тўғри қиласизлар ёки Аллоҳ қалбларингиз орасини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўюр», дедилар».

Абу Довуд ривояти.

11. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сафларни тўғриланг! Елкаларингизни тенглаштиринг! Очиқ жойларни тўлдиринг! Биродарларингиз қўлига мулойим бўлинг! Шайтон учун очиқликлар қолдирманг! Ким сафни етказиб турса, Аллоҳ ҳам уни (муродига) етиштиради. Ким сафни узса, Аллоҳ ҳам уни узади», дедилар».

Абу Довуд ривояти.

Манба: *arabic.uz*